

## БАА Рамазонда анъанавий чодирларни ўрнатишни тақиқлади



11:00 / 06.04.2021 1842

2021 йилда Абу-Даби муниципалитетлар ва транспорт департаменти муборак Рамазон ойи учун анъанавий бўлган байрам чодирларини ўрнатишга рухсат бермайди.

Ушбу ҳаракат БАА Миллий Фавқулодда вазиятлар бошқармаси агентлиги (NCEMA) томонидан ишлаб чиқарилган Covid-19 хавфсизлик баённомаларига мос келади.

Олдинроқ шунга ўхшаш қарорларни Дубай, Ажман ва Шаржа маъмурлари қабул қилган эди. Бу йилги муборак Рамазон ойи рўзаси анъанавий чодирсиз ўтади. Ҳокимиятнинг фикрига кўра, чодирларни қуришга рухсат бериш оммавий йиғилишларни ташкил этишга олиб келади ва бу вақт

давомида ижтимоий масофа қоидалари бузилиши мумкин.

Шуниси эътиборга лойиқки, муқаддас ой кунлари масжидлар ёнига чодирлар қурилади, ишчилар ва камбағаллар рўза тутиш учун келишлари мумкин. Бироқ, бу йил расмийлар одамлар хавфсизлиги ва соғлиғини таъминлашга алоҳида аҳамият беришади.

Фақат расмий хайрия ташкилотларига бепул овқат тарқатишга рухсат берилади. Қоидаларга риоя қилиш инспекторлар томонидан назорат қилинади.

Муборак Рамазон ойида рўза тутиш мусулмонлар учун фарздир.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***